



ШҲТГА РАИСЛИК ЎЗБЕКИСТОНГА ЎТДИ

Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида 17 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси бўлиб ўтди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар етакчилари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин иштирок этди.

Ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлатлардан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, фахрий меҳмон сифатида Туркменистон Президенти Гурбангули Берди-мухамедов қатнашди.

Шунингдек, тадбирда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бирлашган

Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ижроия органларининг раҳбарлари иштирок этди.

Саммит кун тартибига мувофиқ, ШҲТнинг ўтган 20 йилдаги фаолиятининг асосий яқунлари ҳамда кўп қиррали ҳамкорлиқнинг истиқболдаги устувор вазифалари муҳокама қилинди. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида бугунги халқаро муносабатларда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг роли ошиб бораётганини таъкидлади.

— Ўтган даврда ШҲТ халқаро сиёсатнинг муҳим субъектига айланди, нуфузли халқаро тузилмалар қаторида муносиб ўрин эгаллади. “Шанхай

руҳи” тамойиллари асосида минтақавий шериклик мустаҳкамланиб бормоқда. Янги хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги умумий салоҳият ортиб бормоқда, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлигимиз кенгаймоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари иштирокчилар эътиборини ШҲТ кун тартибига турган долзарб масалаларга қаратди ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифларни илгари сурди.

— Бугун барчамиз жаҳонда ва минтақада кескинлик ортиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Пандемиянинг салбий оқибатлари сақланиб қолмоқда. Буларнинг барчаси биздан ташкилотимиз доирасида янада жипслашишимизни ва бир-биримизни қўллаб-қувватлашимизни талаб қилмоқда, — деди Президентимиз.

▶ Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Эмомали Шарипович!
Ҳурматли ҳамкасблар!
Мажлис иштирокчилари!

Сизларни чин дилдан қўлайман ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилганининг йигирма йиллиги муносабати билан билдирилган барча табриқларга қўшиламан.

Тожикистон Республикаси Президенти, ҳурматли Эмомали Шарипович Раҳмонга бизга кўрсатилган ҳар доимгидек самимий меҳмондўстлик ва юбилей учрашувимиз аъло даражада ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман.

Тожикистон томонининг муваффақиятли раислигини, унинг давомида кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг барча йўналишларида очик ва самарали мулоқот таъминланганини юксак баҳолаймиз.

Душанбе саммити — ташкилотимизнинг роли ва аҳамияти юзасидан фикр алмашиш, унинг салоҳиятига ва биргаликда ишлаш истиқболларига янги назар билан қараш учун яхши имконият.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган даврда ШҲТ жаҳон сиёсатининг муҳим субъектига айланди, нуфузли халқаро тузилмалар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Минтақавий шериклик “Шанхай руҳи” тамойиллари асосида мустаҳкамланиб бормоқда.

Янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши туриш бўйича қўшма салоҳиятимиз мустаҳкамланмоқда, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгаймоқда.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугун барчамиз дунёда ва минтақада кескинлик ортиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Пандемиянинг салбий оқибатлари сақланиб қолмоқда.

Буларнинг барчаси биздан янада жипс бўлиш ва ташкилотимиз доирасида бир-биримизни қўллаб-қувватлашни талаб этмоқда.

Шу мақсадда:

— ШҲТнинг очиклигини, учинчи давлатлар ва бошқа ташкилотларга қарши қаратилмаганини сақлаб қолиш;

— умумий хатар ва таҳдидларга қарши ўз вақтида ва биргаликда чора кўриш;

— минтақавий иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш;

— минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва ишонччи мустаҳкамлаш, ШҲТ маконида маданий-гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Ҳамкасбларимнинг чиқишларида таъкидланганидек, барчамиз Афғонистондаги вазиятдан жуда хавотирдамиз.

Бугун ушбу мамлакатда янги воқеалик рўй берди, ҳокимият тепасига янги кучлар келди. Бу — амалга ошиб бўлган факт.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ — КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ТАШКИЛОТИ” ФОРМАТИДАГИ УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли ҳамкасблар!

Афғонистондаги барчамизни ташвишлантираётган вазият мени ҳам хавотирга солмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бугун ушбу мамлакатда мутлақо янги воқеалик қарор топди — жуда қисқа вақтда “Толибон” ҳаракати деярли бутун ҳокимиятни ўз қўлида жамлади.

Янги ҳокимият олдида жамиятни жипслаштиришдан тортиб барча этносий-гуруҳларни ўз ичига олган лаёқатли ҳукуматни

шакллантиришга босиб ўтилиши керак бўлган мураккаб йўл турибди.

Моҳиятан, вазиятни барқарорлаштириш истиқболлари, афғон давлатчилигининг тикланиши ва, умуман, халқаро ҳамжамият билан Афғонистон ўртасидаги ҳамкорлиқнинг ривожланиши шунга боғлиқ бўлади.

Ҳозирги шароитда мамлакат фуқаролар уруши ва гуманитар инқироз домида қолиб кетган, халқаро ҳамжамиятдан яқаланиб қолган, унинг ҳудуди эса халқаро террорчи-

лик ва наркотиклар ишлаб чиқариш “хаби”га айланган давр — туқсонинчи йиллардаги ҳолатига яна қайтиб қолмаслигига қатъий кафолатлар йўқ.

Энг яқин қўшни сифатида биз ўша йиллардаги шундай хавф-хатар ва таҳдидларга бевосита дуч келганмиз ҳамда Афғонистондаги вазият шу сценарий асосида ривожланиши эҳтимолининг барча салбий оқибатларини аниқ-равшан англаб турибмиз.

▶ Давоми 2-бетда

II ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Мухтарам фестиваль қатнашчилари!

Қадрли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни янгилаётган Ўзбекистонимизнинг кундан-кунга чирой очиб бораётган, бағрикенг Қорақалпоғистон диёрида, гўзал Нукус шаҳрида ўтказилаётган II Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиши билан чин юракдан муборакбод этаман.

Бугунги санъат байрамида қатнашаётган ЮНЕСКО, АЙСЕКО, ТУРКСОЙ, МДҲнинг Ижроия қўмитаси, Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот маркази каби нуфузли ташкилотлардан ташриф бўюрган мартабали меҳмонларга, дунёнинг турли давлатларидан келган 260 нафардан зиёд халқ ижодиёти намояндлари, санъат ва маданият арбоблари, оммавий ахборот воситала-

ри ходимларига самимий миннатдорчилик билдираман.

Ўзбекистонга ҳуш келибсиз!

Азиз дўстлар!

Халқ озғаси ижодиётининг энг қадимий турларидан бўлган бахшичилик санъати юксак гуманизм ғояларини, тинчлик ва дўстлик, адолат ва ҳақиқат каби зғу ғазилатларни маҳорат билан тараннум этади.

▶ Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Шу муносабат билан Афғонистондаги вазиятга, шунингдек, мамлакатнинг янги ҳокимияти билан мулоқотни ривожлантиришга доир ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур.

Хусусан, давлат бошқарувида афғон жамиятининг барча қатламларидан кенг сиёсий вакилликка эришиш; минтақада экстремизмнинг кўпайишига ва радикал мафкура экспортига, Афғонистон ҳудудидан қўшни давлатларга қарши бузғунчи ҳаракатлар учун фойдаланилишига йўл қўймаслик; инсоннинг, шу жумладан, хотин-қизлар ва миллий озчиликларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш; кенг қўламли гуманитар инқироз, қочоқлар оқими ўсишининг олдини олиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ушбу мамлакатга кўмакни давом эттириш муҳимдир.

Бу борада Афғонистоннинг хорижий банклардаги давлат активларига нисбатан қўлланган музлатишни бекор қилиш имкониятини кўриб чиқиш лозим.

Саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш ва ушбу мамлакатдаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал қилиш масалаларини кенг муҳокама қилиш мақсадида "ШХТ — Афғонистон" форматада, кузатувчи давлатлар ва мулоқот бўйича шерикларни жалб қилган ҳолда, юқори даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказиб боришни таклиф этамиз. Биринчи шундай учрашувни Тошкент шаҳрида ўтказишга тайёرمىз.

Азиз дўстлар!

Бугунги саммит якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдек шарафли ва жуда масъулиятли вазифа Ўзбекистон Республикасига ўтмоқда.

Ҳурматли ҳамкасбларимдан билдирган табриклари ва эзгу тилаклари учун чин дилдан миннатдорман.

Ўз навбатида, биргаликдаги ишларимизнинг келгуси даврга мўлжалланган устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилаб олишни истардим.

Биринчи. ШХТ салоҳияти ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимдир.

Навбатдаги учрашувимизга қадар Ўзоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани келгуси беш йилда амалга ошириш бўйича комплекс дастур тайёрлашни таклиф этамиз.

Иккинчи. ШХТнинг минтақа ичидаги савдонинг ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурамиз.

Унга савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларни яқинлаштириш, боғжона тартиботларини рақамлаштириш бўйича биргаликдаги чораларни ҳамда бозорларга ўзаро чиқишни енгиллаштириш бўйича бошқа тадбирларни киритиш лозим.

Учинчи. ШХТ саноат кооперацияси дастурининг қабул қилинишини жадаллаштириш муҳим.

Мамлакатларимизда Индустрал кооперация марказларининг ташкил этилиши дастурни амалга оширишнинг амалий механизми бўлади.

Биз, шунингдек, келгуси йилда Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Иқтисодий форуми ва Саноат янгиликлари ҳафталигини ўтказишга тайёرمىз.

Тўртинчи. ШХТнинг Транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича стратегиясини қабул қилиш мамлакатларимиз транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш ҳамда "Шарқ — Ғарб" ва "Шимол — Жануб" коридорлар тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ШХТ маконида инфраструктураларимиз бўйича ўзоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурамиз. Унда энергетика, коммуникациялар, "яшил" тараққиёт соҳаларидаги трансчегаравий лойиҳаларни киритиш мумкин.

Бешинчи. Камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари биз учун алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Бу борада вазирлар учрашувлари ва экспертлар маслаҳатлашувларини мунтазам ўтказиб бориш механизмини яқин фурсатда жорий этишни гоёта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Олтинчи. ШХТ маконида тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

Бугун қабул қилинаётган Хавфсизликка таҳдид ва хатарларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорнинг амалга оширилиши, жумладан, ШХТ МАТТ салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш бунга хизмат қилади.

Ушбу ҳужжатда акс этган ташаббуслар терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, шунингдек, киберхавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш имконини беради.

Бундан ташқари, мамлакатларимиз ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирларининг учрашувларини тиклашни таклиф қиламиз.

Еттинчи. Ҳамкорларимиз ахборот хавфсизлиги соҳасида тўплаган муваффақиятли тажрибани ҳисобга олиб, ШХТнинг бу мавзуга бағишланган экспертлар форумини таъсис этиш мақсадга мувофиқ.

Бу кибермақондаги замонавий таҳдид ва хатарларга мос равишда жавоб қайтариш бўйича ўзаро келишилган чораларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Саккизинчи. Биз "халқ дипломатияси"да биргаликда эришилган натижаларни ижобий баҳолаймиз, мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма маданий, фан-таълим, спорт ва бошқа тадбирларни ўтказишдан манфаатдоримиз.

Шу мақсадда "ШХТ Эзгу ният элчиси" институтининг таъсис этилиши тарафдоримиз.

Шунингдек, мамлакатларимизнинг Туризм соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида ҳукуматлараро битимни тайёрлашни таклиф қиламиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ — КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ТАШКИЛОТИ” ФОРМАТИДАГИ УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Шу муносабат билан Афғонистон бўйича ҳамкорлиқнинг асосий жиҳатлари борасидаги нуқтаи назаримиз билан бўлишмоқчиман.

Биринчи. Афғонистон ҳудуди хавфсизлигимизга таҳдид ва хатарлар манбаи бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Бу борада сўз юритганда, энг аввало, экстремизмнинг ортиши ва радикал мафкуранинг экспортини, Афғонистон ҳудудидан мамлакатларимизга қарши қўпуровчи ҳаракатлар учун фойдаланишни, жангариларнинг чегараларни бузиб ўтиш хавфини назарда тутялман.

Умумий саъй-ҳаракатлар билан, қатъий чоралар кўрган ҳолда, биргаликда террорчиларни "қайноқ нуқталар"дан Афғонистонга кўчириш каналларини кесиб муҳимдир.

Шу муносабат билан ШХТ МАТТ Ижроқўми ва КХШТ Котибияти, шунингдек, давлатларимиз махсус хизматлари йўналишида амалий ҳамкорликни кенгайтириш тарафдоримиз.

Иккинчи. Янги ҳокимиятни тан олиш жараёнига кириш учун шароитлар яратиш мақсадида Афғонистон ва унинг атрофидаги вазиятнинг ривожланишига нисбатан ШХТ ва КХШТнинг умумий стратегик ёндашувини ишлаб чиқиш гоёта муҳимдир.

Учинчи. Янги ҳукумат билан мулоқот у ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишига яраша амалга оширилиши лозим.

Бундан қаторида — халқаро террорчилик ташкилотларига раҳнамолик қилмаслик; Афғонистон ҳудудидан учинчи мамлакатларга қарши фойдаланишига йўл қўймас-

лик; инсон, шу жумладан, хотин-қизлар ва миллий озчиликларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини таъминлаш.

Тўртинчи. Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий ва инфраструктураларимиз лойиҳаларни амалга оширишни давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Мураккаб вазиятга қарамаздан, биз Ўзбекистон — Афғонистон транспорт узели — ушбу мамлакатга озиқ-овқат ва нефть маҳсулотларини етказиб бериш учун энг муҳим йўл фаолиятини, шунингдек, электр энергиясининг узлуksиз таъминотини тўхтатмадик.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ёрдамнинг тўхтатилиши жафокаш афғон халқининг шундоқ ҳам оғир аҳолини янада қийинлаштиради.

Айни пайтда янги ҳокимият қўшма

лойиҳаларни амалга оширишда хавфсизликни кафолатлаши шарт.

Бешинчи. Афғонистоннинг яқкалаб қўйилиши ва унинг назардан қолиб кетган мамлакатга айланишига йўл қўймаслик муҳим.

Шу нуқтаи назардан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Афғонистонга кўмаклашиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларни сафарбар қилиш ва мувофиқлаштириш учун янада кўпроқ масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин бўларди, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда барча манфаатдор томонлар билан яқин ва самарали ҳамкорликни бундан буён ҳам давом эттириш ниятида.

Эътиборингиз учун раҳмат.

II ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Бошланиши 1-бетда

Шу боис ҳам, бахши, оқин ва жировлар азалдан халқ қалбининг куйчилари, турли миллат ва элатларни бирлаштирадиган олижаноб инсонлар сифатида ардоқлаб келинади.

Ушбу ноёб санъатнинг умумбашарий аҳамияти Термиз шаҳрида 2019 йили бўлиб ўтган I Халқаро бахшичилик санъати фестивалида яна бир бор ўз тасдиғини топди, десак, аини ҳақиқат бўлади.

Мен халқ ижодиётини инсониятнинг болалик қўшиғи, ҳар қайси миллий маданиятнинг ҳаёتبашх чашмаси деб биламан. Бу қўшиқларни соф ва безавол ҳолатда сақлаш, ҳаммаша мағрур янграшнинг таъминлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиздир.

Бугун ўз ишини бошлаётган фестивалимиз аини шундай эзгу мақсадларимизнинг амалий ифодаси эканини таъкидламоқчиман.

Кейинги йилларда биз бахшичилик санъатининг илмий-назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганиш ва ўргатишга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Бу борада фидойий фольклоршунос олимларимиз бошлаган муҳим ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда 2019 йили тузилган Республика бахшичилик санъати маркази ҳамда Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси самарали фаолият олиб бормоқда. Ушбу йўналишда Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида давлат ансамбллари, бошқа ҳудудларда эса вилоят ансамбллари ташкил этилди.

Юртимиздаги болалар мусика ва санъат мактабларида, Нукус шаҳридаги опера ва бахшичилик санъати мактабида миллий фольклор санъати кенг ўргатилмоқда. Шунингдек, яқинда ташкил этилган Юнус Раҳабий номидаги ўзбек миллий мусика институти таркибиде бахшичилик бўлими очилганини ҳам қайд этиш лозим. Мазкур йўналишда дарс бераётган ўқитувчилар учун Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида малака ошириш курслари йўлга қўйилди.

“Ўзбек халқ достонлари”, “Ўзбек халқ қўшиқлари” номли дарсликлар, кўп томлик “Қорақалпоқ фольклори” тўплами чоп этилди. Шу билан бира, 100 томлик “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” мажмуаси нашр этилмоқда.

Халқ озғани ижодиётини кенг тарғиб этиш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, фольклор асарларининг аудио ва видео вариантларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қартилмоқда.

Бу йўналишда олиб борилаётган хайрли ишларни давом эттирган ҳолда, миллий бахшичилик санъатини ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритиш чоралари кўрилмоқда.

Қадрли фестивалъ иштирокчилари! Биз бугунги нуфузли санъат анжуманини қўҳна ва навқирон қорақалпоқ ўлкасида ўтказаятганимиз бежиз эмас, албатта.

Қорақалпоғистон деганда, аввало, мардларга ватан бўлган, меҳнаткаш ва олижаноб эл яшайдиган бетакрор диёр кўз ўнгимизда намоеън бўлади. Бу заминдаги Тупроққалъа, Аёзқалъа, Катта Гўлдурсунқалъа, Эзликқалъа каби ноёб обидалар қадимий цивилизация ва маданиятнинг тарихий илмизларидан далолат беради. Уларни бир бора кўрган, бепоеън кенгликларда бахши ва жировлардан достон ва термалар тинглаган инсон бу диёрга умрбод мафтун бўлиб қолади.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Қорақалпоғистон бугунги кунда Ўзбекистоннинг обод ҳудудларидан бирига, замонавий илм-фан, маданият ва туризм масканига, мана энди, халқаро бахшичилик санъати марказига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Санъат ва мусикани чин дилдан севадиган, ижод аҳлини юксак қадрлайдиган қорақалпоқ эли ушбу анжуманини катта шоду хуррамлик билан кутиб олмақда.

Бугунги санъат ва нафосат байрамини баланд савияда ўтказиш учун астойдил меҳнат қилган барча-барча инсонларга, меҳмондўст Қорақалпоқ ахлига чин юракдан ташаккур билдираман. Қадрли юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Сизларнинг иштирокингизда очилаётган ушбу фестиваль дунёдаги нуфузли санъат анжуманлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллайди, деб ишонаман.

Фестиваль доирасида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференция ишга ҳам муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотларнинг вакилларига ҳам самимий миннатдорчилик билдираман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқлар ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон етакчиси умумий хавф-хатар ва таҳдидларга ўз вақтида ва биргаликда жавоб қайтариш, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, ШХТ маконида дўстликни мустаҳкамлаш ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Афғонистонда вужудга келаётган вазиятдан хавотир билдирдики. Мамлакатнинг янги ҳокимияти билан мулоқотни ривожлантиришнинг аниқ принциплари таклиф этилди. Давлат бошқарувида афғон жамиятининг барча қатлаמידан сиёсий вакиллар бўлиши, инсон, хусусан, хотин-қизлар ҳамда миллий озчиликлар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши шулар жумласидандир.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этиш масалаларини кенг муҳокама қилиш мақсадида Президентимиз кузатувчи давлатлар ва мулоқот бўйича шерикларни жалб қилган ҳолда "ШХТ — Афғонистон" форматада юқори даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказиш таклифини билдирди. Биринчи шундай учрашувни Тошкентда ўтказиш мумкинлиги айtilди.

2021-2022 йилларда ШХТга Ўзбекистон Республикаси раислиги қилишини инobatла олиб, давлатлик ва ҳарбери тақшилотнинг келгуси даврдаги асосий устувор йўналишлари ва вазифаларига тўхталиб ўтди.

ШХТ доирасида кўп қиррали шериклики янада кенгайтириш мақсадида ташкилотта аъзо давлатлар ўртасида Ўзоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс дастурни тайёрлаш ва қабул қилиш таклифи билдирилди.

Ўзбекистон Президенти савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларни яқинлаштириш, боғжона тартиб-таомилларини рақамлаштириш ҳамда ўзаро бозорларга чиқишни енгиллаштиришни назарда тутадиган Минтақа ичидаги савдонинг ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Ташкилотта аъзо мамлакатларнинг бизнес ҳам-жамиятлари вакиллари ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини рағбатлантириш масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш учун келгуси йилда

Ўзбекистонда ШХТ Иқтисодий форуми ва Саноат янгиликлари ҳафталигини ўтказиш режалаштирилмоқда.

ШХТ саноат кооперацияси дастурини тез фурсатда қабул қилиш ҳамда аъзо давлатлар ҳудудида индустриал кооперация марказларини ташкил қилиш муҳим экани қайд этилди.

Ўзбекистон етакчиси транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ШХТ стратегиясининг қабул қилиниши мамлакатларимиз транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш ҳамда "Шарқ — Ғарб" ва "Шимол — Жануб" йўлакларини тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

— ШХТ маконида инфраструктураларимиз тараққиёт бўйича ўзоқ муддатли дастурни биргаликда тайёрлаш ташаббусини илгари сурамиз. Унга энергетика, коммуникациялар, "яшил" тараққиёт соҳаларида трансчегаравий лойиҳаларни киритиш мумкин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг долзарб аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Президенти бу борада вазирларнинг учрашувлари ва экспертлар маслаҳатлашувларини мунтазам ўтка-

зиш механизмини жорий қилиш таклифини илгари сурди.

Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш мақсадида саммит иштирокчиларининг эътибори ШХТ маконида ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирларининг учрашувларини қайта тиклаш муҳим эканига қаратилди.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёев кибермақондаги замонавий таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб қайтариш учун ШХТнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар форумини таъсис этиш тўғрисида ташаббус билан чиқди.

— Биз "халқ дипломатияси"да биргаликда эришилган натижаларни ижобий баҳолаймиз, — дея сўзида давом этди Президентимиз. — Қўшма маданий, фан-таълим, спорт ва бошқа тадбирларни фаоллаштириш мақсадида "ШХТ Эзгу ният элчиси" институтининг таъсис этилиши тарафдоримиз. Бундан ташқари, мамлакатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида ҳукуматлараро битимни тайёрлаш таклифи билдирилди.

Ўзбекистон етакчиси яна бир долзарб мавзу — юқумли касалликларни профилактика қилиш ва

даволаш, кovidдан кейинги реабилитация соҳаларидаги ҳамкорлик, вакцинация тўғрисидаги сертификатларни ўзаро тан олиш масалаларига тўхталди.

Сўзининг якунида Президентимиз учрашув иштирокчиларини 2022 йил сентябрь ойида Ўзбекистонда ўтадиган ШХТнинг навбатдаги саммитига таклиф этди.

Мажлис якунида ШХТнинг 20 йиллиги бўйича Душанбе декларацияси қабул қилинди, ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган 30 та ҳужжат имзоланди. Бундан ташқари, ШХТ Бош котиби лавозимига Чжан Мин ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси директорлигига Руслан Мирзаев номзодлари тасдиқланди.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Афғонистондаги вазият бўйича ўтказилган "Шанхай ҳамкорлик ташкилоти — Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти" форматидеги учрашувда ҳам иштирок этди.

Шу билан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига ташрифи якунига етди.

ЎЗА



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тadbир-корлар муносабатлари кўриб чиқиш қабулхоналари фаолияти самарадорлигини, шунингдек, Қабулхоналар орқали юборилган муносабатлар ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқи-лишини таъминлаш бўйича вазирликлар, идоралар, тижорат банклари ва ҳокимликлар раҳбарларининг иш натижалари-ни ошириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Мажлисида Давлат божхона кўмитаси, “Асакабанк” АЖ, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг тadbиркорлар муносабатлари билан ишлашни самарали ташкил этиш ва мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш бўйича ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисида юқорида кўрсатиб ўтилган идораларда муноса-батлар билан ишлашда йўл қўйилаётган тизимли камчилик-ларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва тезкорлиги маса-лалари танқидий таҳлил қилинди.

Жорий йилнинг январь-июль ойларида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тadbиркорлар муносабатлари кўриб чиқиш қабулхоналарига келиб тушган **50 058** та муноса-батнинг **46 348** таси кўриб чиқилиб, уларнинг **26 430** таси ёки **57,0** фоизи ижобий ҳал этилди.

Хусусан, муносабатларнинг **18 583** тасини (**37,1** фоизини) — кредит, **6 733** тасини (**13,5** фоизини) — ер майдони ажра-тиш, **1 921** тасини (**3,8** фоизини) — рухсатнома ва лицен-зиялар олиш, **1 705** тасини (**3,4** фоизини) — солиқ солиш, **1 550** тасини (**3,1** фоизини) — газ, электр энергияси, сув билан узлуқсиз таъминлаш, **1 243** тасини (**2,5** фоизини) — бинолар ажратиш ва ижара тўлови масалалари, **18 323** тасини (**36,6** фоизини) бошқа масалалар ташкил этди.

Тadbиркорлар муносабатларини кўриб чиқишда жиддий кам-чиликларга йўл қўйган раҳбарларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Мажлис якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 августда ўтказилган тadbиркор-лар билан очиқ мулоқотдаги маърузаларида белгиланган ва-зифалардан келиб чиқиб ўз вақтида раҳбарларнинг шахсий масъулиятни ошириш, ҳар бир муносабатнинг кўриб чиқи-лишини ва кўтарилаётган масалаларнинг ижобий ҳал эти-лишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

II ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ

Нукус шаҳрида 17 сентябрь куни II Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда маданият ва санъат намояндалари, жамоатчилик вакиллари, санъат мухлислари, хорижлик меҳмонлар иштирок этди.

ЯНГРАЙВЕРСИН БАХШИЛАРНИНГ ДОСТОНЛАРИ



МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК ХАЛҚЛАР

Хивада ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти доимий кенгашининг 38-мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркия, Туркменистон, Озарбайжон ва Қирғизистон давлатларининг Маданият вазирлари иштирок этди.

Мазкур халқаро даражадаги йиғилишда ТУРКСОЙ-нинг вақтинчалик координаторини ўзгартириш, “Туркий дунё маданияти пойтахти” мақомини топшириш, халқа-

ро маданий ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама этилди.

ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти доимий кенгашининг 38-мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан ҳар бир давлат маданият вазири ўз таклиф ва тавсияла-рини киритди.

Йиғилиш якунида, 2022 йилнинг “Турк дунёси мада-ният пойтахти” мақомини Туркия давлатининг Бурса шаҳрига бериш таклифи билдирилди ва бир овоз-

Бахшичилик — шеърят, мусиқа, ижро-чилик маҳоратини ўзда мужассам этган бебаҳо санъат. Қадимий достонларимиз жуда узоқ ўтмишга бориб тақалиши ҳақида тарихий манбалар, шу билан бирга, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий каби алломалар асарларида кўплаб далиллар бор. Бахши-чилик санъати халқ оғзаки ижодининг турли шакллари — сўз ўйинлари ва қочиримлар, халқ мақол ва маталларидан унумли фой-даланишга асосланади. Тингловчини ўзига ром этувчи оҳанг достонни жозибали ва қи-зикарли қилади. Бу эса бахшилардан катта истеъдод, кучли маҳорат ва хотирани, мун-тазам машқ қилишни талаб этади.

Бахшиларимиз мероси жуда бой ва ранг-баранг. Масалан, Пўлкан шоир ет-мишдан ортиқ достонни ёд билган. Ҳар бир достон ўн-ун беш, ҳатто йигирма минг мис-рағача шеърни ҳам ўз ичига олишини ҳи-سوبга олсак, халқ бахшиларининг ҳайрато-муз ёдлаш ва эсда сақлаш қобилияти, ижро қудрати ўз-ўзидан аён бўлади.

Бола бахши Абдуллаев, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Боборайим Маматмуро-дов, Қора бахши, Абдуқаҳҳор ва Абдумурод Раҳимов, Шомурод Тоғаев, Зиёдулла Испо-мов, Норбек Абдуллаев, Қаландар Норметов, Қодир Раҳимов каби бахшиларимиз бахшичи-лик санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди. Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм ва Қорақалпоғистонда бахшичилик санъати

ривожланган. Ҳозирги кунда Булунгур, Шаҳри-сабз, Қамай, Чирокчи, Деҳқонобод, Шеробод, Бойсун, Хоразм ва Қорақалпоқ достончилик мактаблари бетақдор ижроси билан ажралиб туради. “Алпомиш”, “Тўрўғлининг туғилиши”, “Равшан”, “Қўнғўмиш”, “Рустамхон”, “Ошиқ Ға-риб ва Шоҳсанам”, “Авазхон” каби унлаб до-стонлар халқ руҳини, унинг теран маънавиятини ўзда акс эттиради.

Нукусда ўтаётган II Халқаро бахшичилик санъати фестивалида 22 давлатдан 100 дан ортиқ бахши, оқин ва жировлар, ба-дийий жамоалар қатнашмоқда. Шунингдек, мамлакатимизнинг барча ҳудудидан келган ижрочилар ўз санъатини намойиш этипти.

Тadbир доирасида “Бахшичилик санъати-нинг жаҳон маданияти цивилизациясида тут-ган ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтади. Фестиваль ишти-рокчилари учун Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида “Халқ учун” миллий операси намойиши ва Мўйноқ туманидаги маданий мерос объектларига экскурсиялар ташкил этилади.

...Нукусдаги саҳнада турли давлатлар байроқлари ҳилпайади. Бахшию оқин-лар ижросида халқона оҳанглар янграйди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар кон-цертга янада завқ бағишлайди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

МУНОСАБАТ

ШҲТ: АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ВА МУЛОҚОТЛАР УЧУН ОЧИҚЛИК ЙЎЛИДА



Анвар НОСИРОВ,
Марказий Осиё халқаро
институтининг директори

Сўнгги йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкило-ти фаолиятида туб ўзгаришлар рўй берди. Мин-тақавий тузилма доирасидан чиқиб, тўлақонли халқаро ташкилотга айланди.

Унга Ҳиндистон ва Покистоннинг аъзо бў-лиши билан, ШҲТ Евроосиёнинг 60 фоизи ва бутун Ер шарини аҳолисининг деярли 50 фо-изини қамраб олувчи йирик халқаро тузил-малардан бирига айланди. Ташкилотга аъзо барча мамлакатлар умумий ялпи ички маҳ-сулоти жаҳон ЯИМининг 23 фоизини, товар айланмаси эса 6,3 триллион доллардан ор-тиқни ташкил этди.

Бундан ташқари, Афғонистон, Беларусь, Эрон ва Мўғулистон кузатувчи давлатлар, Озар-байжон, Арманистон, Камбоджа, Миср, Непал, Туркия, Қатар, Саудия Арабистони ва Шри-Лан-ка мулоқот бўйича шерик давлатлар мақомига эгадир.

БМТ, МДХ, ОХИЧБМ, ИХТ, АСЕАН, КХШТ, Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи, Халқаро қизил ҳоҳ кўмитаси, БМТнинг Жаҳон сайёҳлик таш-килоти, Наркотикларни назорат қилиш бўйича халқаро кўмита, БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича Конференцияси қотибияти, Араб дав-латлари лигаси, БМТнинг Саноат тараққиёти бўйича ташкилоти каби тузилмалар билан ше-риклик алоқалари ўрнатилган.

ШҲТ қотибиятининг ахборотида кўра, алоқалар ўрнатиш ва мавжуд муносабатлар мақомини ошириш учун 16 та янги ариза ке-либ тушган.

Бу тузилма сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт, савдо, туризм, ма-даният ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик имконини берувчи гоятда жозибали майдон эканлигидан яққол далолат беради.

Шу билан бирга, мазкур ҳамкорлик очиқ ва амалий хусусиятга эга бўлиб, халқаро муноса-батларнинг бошқа иштирокчиларига қарши қа-ратилмагани ШҲТ Хартиясида аниқ қилиб бел-гилаб қўйилган.

Ушбу мулоҳаза “Шанхай руҳи” деб ном ол-ган — ўзаро ишонч, манфаатдорлик, тенглик, бир-бири билан маслаҳатлашувлар, ранг-баранг маданиятларга ҳурмат, биргаликда ривожланишга бўлган интилишда ўзининг ифо-дасини топган.

2020-2021 йилларда ШҲТга раислиқни Тожи-кистон Республикаси “ШҲТга 20 йил: барқарор-лик ва фаровонлик йўлида ҳамкорлик” шиори остида амалга оширди.

Бекорор санитария-эпидемиологик вазият давом этаётганга қарамай, Тожикистон томонидан турли даражада 70дан ортиқ тadbирлар ўтказилди. Ўзаро ҳамкорлигининг янги механизмлари йўлга қўйилди — илк бора саноат ва энергетика вазирларининг учрашувлари бўлиб ўтди. Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари йиғилишининг якунларига кўра, Душанбе декларацияси қабул қилинди.

Бундан ташқари, мамлакатларнинг хавфсиз-лик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга қўшаёт-ган ҳиссаси таъкидланди. Хусусан, Хавфсизлик қафолатлари ҳақидаги протоколнинг яқин му-датларда кучга кириши Марказий Осиёда ядро қуролини тарқатмаслик тартибини мустаҳкам-лайди.

Бу, ўз навбатида, нафақат Марказий Осиё мамлакатларини, балки минтақадан ташқари-даги етакчи глобал қудратли давлатлар яқинла-шишига қаратилган ҳозирги минтақавий жараён-ларнинг амалий ва муҳимлигини яна бир яққол тасдиқлади.

ШҲТга аъзо давлатлар иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича савдо, ишлаб чиқариш, транспорт, энергетика, молия, инвестиция, қишлоқ ҳўжалиги, божхона, телекоммуникация, инновация ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга тайёриқлигини билдирди. Мазкур йўналишларда кооперацияни чуқурлаштириш барча давлатларнинг сифат жиҳатидан юқори даражадаги иқтисодий ривожланишини таъминлайди, аҳоли фаровонлигини оширади.

Маданий-гуманитар ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу ҳамкорлик “бутун дунё ҳамжамиятига ўзаро ҳурмат, бир-бирининг миллий анъаналарига бағрикенглик билан му-носабатда бўлиш ва маданиятларнинг халқаро маданий алмашинув орқали бойиши намунаси-ни кўрсатади”.

Ва, албатта, ШҲТ мамлакатлари раҳбар-лари Афғонистондаги ҳозирги вазият ташки-лот таъсир доирасидаги маконда барқарор тараққиёт ва тинчликни қўллаб-қувватлашга бевосита таъсир кўрсатувчи омил эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида мам-лакатлар ўртасидаги ҳамкорлиқни янада

юқори босқичга олиб чиқишга имкон бера-диган қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Жумладан, ички минтақавий савдони ривож-лантириш, саноат кооперациясини кучайтириш, транспорт болғиқлигини мустаҳкамлаш, камбағал-лиқни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хавфсизлиги таҳдидларига самарали жавоб қайтариш, Ташкилотнинг ижо-бий имижини илгари суриш, туризм ҳамкорлигини кенгайтириш, шунингдек, Афғонистонга нисбатан келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш каби йўналишлар қамраб олинди.

2021-2022 йилларда ШҲТга раислиқни Ўзбекистон Республикаси амалга ошириш бўйича ШҲТ давлат раҳбарлари кенгашининг қарори имзоланди. Раислиқнинг асосий мақсади эса барча жабҳалар — сиёсат, хавфсизлик, савдо, инвестиция, инновация, транспорт, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни амалий кенгайтиришдан иборатдир.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг раислиги дав-рида кузатувчи-мамлакатлар ва мулоқот бўйи-ча шериклар билан ҳамкорлиқни кенгайтириш учун зарур чоралар қабул қилиниб, энг қулай шарт-шароитлар яратилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ШҲТнинг халқаро тинчлик ва хавфсизлиқни қўл-лаб-қувватлаш, глобал тараққиётни рағбат-лантиришга хизмат кўрсатувчи универсал халқаро ташкилот сифатидаги имижини мустаҳкамлаш ниятидадир.

Шу нуктаи назардан ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси доирасида террор-чилик, айирмачилик ва экстремизм кўри-нишлари ва манбааларини йўқ қилиш бў-йича биргаликда иш олиб боришга жиддий эътибор қаратилади. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг радикаллашувига йўл қўймаслик бўйича превентив чора-тадбирлар қабул қи-лишга катта эътибор қаратиш заруриятига ургۇ берилади.

Ўзбекистоннинг раислиги давридаги ижобий натижалар ШҲТнинг бошқа халқаро ва минтақа-вий тузилмалар билан тинчлик ва барқарорлик, иқтисодий тараққиёт мақсадлари йўлидаги ҳам-корлигини кенгайтиришга хизмат қилади.



БМТ, МДХ, ОХИЧБМ, ИХТ, АСЕАН, КХШТ, ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ, ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ҲОЧ КЎМИТАСИ, БМТНИНГ ЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ, НАРКОТИКЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО КЎМИТА, БМТНИНГ САВДО ВА ТАРАҚҚИЁТ БҮЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚОТИБИЯТИ, АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ, БМТНИНГ САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИ БҮЙИЧА ТАШКИЛОТИ КАБИ ТУЗИЛМАЛАР БИЛАН ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИ ЎРНАТИЛГАН.

2022 йил Ўзбекистонда ўтадиган ШҲТ сам-мити кўпқиррали минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантиришда янги босқич бўлади ҳамда дўстлик ва яхши қўшнчилик муносабатлари-ни тарихий жиҳатдан мутлақо янги босқичга олиб чиқади.



Сайловларни ўтказиш учун зарур шароит яратиш — демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятига хос энг муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган сайлов қонунчилиги яратилган. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳамда яширин овоз бериш сингари асосий принциплар белгиланган.

24 OKTABR 2021-YIL SAYLOVI O'ZBEKISTON PREZIDENTI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ



Алишер УСМОНҚУЛОВ,
Жиззах политехника
институтини ректори,
техника фанлари
доктори, профессор,
Марказий сайлов
комиссияси аъзоси

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси тadbирлари миллий сайлов қонунчилигимиз асосида амалга оширилмоқда. Албатта, бу нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамият учун ҳам катта воқеалиқдир. Жараёнлар ҳориж давлатлари эътиборидан ҳам четда қолмайди. Сайловларни кузатувчи халқаро ташкилотлар нигоҳи ушбу воқеалиққа қаратилиши табиий. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Эҳтиёжларни баҳолаш бўйича миссияси сайловолди муҳити ва Президент сайловига тайёргарлик жараёнини ижобий баҳолаб, тўлақонли кузатув миссиясини юбориш фикрини билдиргани бунинг яққол тасдиғидир.

Бу эса Халқаро сайлов стандартлари, яъни сайловларни ташкиллаштириш ва ўтказишга таллуқли халқаро ҳуқуқ тамойилларига юқори даражада амал қилиш заруратини юзга келтиради. Хўш, халқаро сайлов стандартлари нималарда акс этади?

Биринчидан, халқаро сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёнига тааллуқли бўлган халқаро стандартлар, яъни давлат органларига ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларига умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ёки фуқароларнинг хоҳиш-иродасини билдириши таъминловчи бошқа йўллар билан амалга оширилиши кўзда тутилади.

Иккинчидан, фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан қараш ҳамда уларни ҳимоя қилиш, кўппартиявийлик ва мафкураининг хилма-хиллиги, сайловни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг барқарорлиги ва уларнинг жадал демократик ривожланиши очик сайлов жараёнларини таъминлашнинг асосий шартлари ҳисобланади.

Учинчидан, сайлов органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан овоз беришни ташкиллаштириш ва овозларни санаш, сайлов жараёни иштирокчиларининг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмнинг мавжудлиги ва самарали ишлаши, овоз бериш

яқунлари ва сайлов натижалари устидан судда ҳамда бошқа ваколатли органларга шикоят қилиш, сайловларни, шу билан бир қаторда, овоз бериш жараёнини ташкиллаштириш, овозларни санаш, сайлов натижаларини эълон қилишдек сайлов жараёнининг муҳим жиҳатларини одилона халқаро кузатиш талаб этилади.

Ушбу принциплар жаҳон мамлакатлари ҳаётида, тарихий ривожланиш тажрибалари асосида табиий равишда вужудга келган бўлиб, уларга тўлиқ амал қилган жамиятгина демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсадига эришиши мумкин.

Ўзбекистонда шаклланган сайлов тизими сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ умумэтироф этилган халқаро принциплар ва нормаларга, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш юзларини амалга ошириш мақсадларига мос ҳолда босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Бу йил Сайлов қонунчилигига киритилган бир қатор ўзгаришларда ҳам ушбу тамойиллар қўлланилган.

Хусусан, Сайлов кодексига киритилган ўзгаришларда нафақат сайловчилар учун, балки сайлов комиссияси аъзолари учун қулай шaroитлар яратиш назарда тутилган. Хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларининг консуллик ҳисобида бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, сайловчилар рўйхатига киритилиши ҳамда улар яшаётган ёки ишлаётган жойда овоз бериш имкониятини яратилиши, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда ташкил этилган сайлов участкаларига кузатувчиларнинг таширф механизми соддалаштирилгани, сайлов комиссиялари аъзоларига иш ҳақи ва компенсация тўлинишига оид қондаларнинг янада мустаҳкамлангани, сайлов комиссиялари зиммасидаги номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга оид вазифанинг бекор қилиниши ва бошқаларни алоҳида эътироф этиш жоиз.

Шунингдек, сайлов комиссиясининг доимий иш жойига эга бўлмаган аъзоларига, шу жумладан, пенсияерларга меҳнатга ҳақ тўлашини ягона тариф сеткасига мувофиқ иш ҳақлари тўлаб берилиши қонун билан белгилаб қўйилди. Бундай амалиёт комиссия аъзоллигига жалб этилган фуқароларнинг мажбурий меҳнатига йўл қўймаслик мақсадида жорий этилди.

Аҳамиятлиси, жорий йилги Президент сайлови илк бор Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтади. Унда конституциявий қондалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти даврийлик принципи асосида сайланиши таъминланган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимики, президентлик сайловининг декабрь ойдан октябрь ойига кўчирилиши давлат ҳокимияти ташкил этилиши конституциявий қондалари такомиллашуви, сайловларнинг даврийлик принципи амал қилинишини таъминлабгина қолмай, фуқароларга қулайлик ҳам яратади.

Сайлов кодексининг 4-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови умумийдир. Сайлов кунини ўн саникзи ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар, тенг сайлов

ҳуқуқига эгадир". Шунга кўра, сайловнинг қонун билан белгилаб қўйилган ўз тартиб-қондалари борки, сайловчилар унга амал қилишлари талаб этилади. Хусусан, ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Унинг иккинчи сайловчилар рўйхатига киритилиши тенглик принципнинг бузилишига сабаб бўлади.

Сайловчилар рўйхатига ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили киритилади. Улар аниқ, тушунарли, саналар ва жой манзиллари тўғри бўлиши шарт. Бу маълумотлар унинг паспорти ёки ID картаси асосида тўлиқ ёзилиши қонунда белгилаб қўйилган.

Жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловда ҳам сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини такомиллаштирган ҳолда, зарур техник тайёргарлик асосида ташкил этилиши жараёнининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис очиклик, ошкоралик, шаффофлик ва холисликни таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази ва унинг ҳудудий бўлинулари ташкил этилди. Бу эса журналистлар ва жамоатчиликка сайловга оид масалаларни бўйича тезкор ахборот етказилишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг "Saylov-2021" веб портали ва бошқа ахборот ресурслари юритилиши йўлга қўйилди.

Имконияти чекланган сайловчиларга қулай шaroитлар яратиш ҳам эътибордан четда қолмаган. Марказий сайлов комиссияси ҳамда Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон Кўзи оқизлар жамияти ва Ўзбекистон Карлар жамияти ўртасида 2021 йил май ойида келишувлар имзоланган эди. Ҳужжатларга кўра, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, сайловда тенг имкониятлар яратиш бўйича ҳамкорликда иш олиб бориш бўйича вазифалар белгиланган. Жумладан, имконияти чекланган сайловчиларнинг заруратга қараб, яшаш жойида овоз бериши ташкил этилади. Сайлов кампаниясига оид теледастурларда имо-ишора тили ва субтитрлардан фойдаланиш йўлга қўйилади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, илк сайловлар қадимги Юнонистон ва Римда ўтказилгани ҳақидаги маълумотларни учратамиз. Ушбу сайловларда шахарни бошқариш учун стратег, давлат бошқарувидан императорга ёрдам берадиган консуллар бир йил муддатга сайланган. Мазкур жараёнларда замонавий сайловларнинг дастлабки элементлари кўзга ташланган.

Кейинги даврларда эса сайловлар бора-бора такомиллашиб, эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлиги таъминланди, хотин-қизларнинг ҳам овоз бериши қонуний қафолатланди. Дунё бўйича сайловларда аёлларнинг иштироки рейтингда Ўзбекистон топ-50 рўйхатга киритилгани мамлакатимизда хотин-қизларнинг сайловда фаол иштироки таъминланганини кўрсатади.

Эътиборлиси, аёлларимиз мазкур сиёсий тadbирда нафақат сайловчи, балки сайлов комиссияси аъзоси сифатида ҳам фаолият юритапти. Ҳатто, президентликка номзод сифатида кўрсатилгани эътироф этиш жоиз бўлади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ана шундай демократик ўзгаришлар жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турибди. Ушбу муҳим сиёсий жараёнинг юқори савабда ўтказилиши Янги Ўзбекистонни барпо этишда муҳим қадам бўлади.

ШАРҲ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес муҳим ўрин тутати. Энг аввало, мазкур соҳа бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олади ҳамда рақобат муҳитини шакллантиради, харидорларга янгидан-янги товар ва хизматларни таклиф этиши баробарида ишчи ўринлари ташкил этишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

БИЗНЕС МАНФААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келяпти. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшларнинг меҳнат қилаётгани унинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳам ортиб бораётганини кўрсатади. Шу боис, юртимизда кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хусусий тadbиркорлик ҳуқуқла-

рининг қафолатлари ва ҳимоясининг кучли тизимини яратишга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 15 сентябрда қабул қилинган "Тadbиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юқини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги фармони ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Беҳзод БОТИРАЛИЕВ,
Давлат солиқ кўмитаси
бош инспектори:

— Мазкур фармонда тadbиркорлик субъектлари фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, "Солиқчи — кўмакчи" тизими орқали уларга нисбатан маъмурий ва солиқ юқини камайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Унга асосан, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб қатъий белгиланган миқдордаги жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўлов-чиси бўлган якка тартибдаги тadbиркорлар томонидан солиқ ҳисоботини топшириш мажбурияти бекор қилинади. Бунинг натижасида 2 000 нафар тadbиркор ҳар чорақда ҳисобот топширишдан озод этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги қарори билан тўқимачилик,

чарм-пойабзал, маиший техника каби 13 турдаги истеъмол товарларига импорт қилинган дан сўнг 12 ой ўтгач сотувга қўйилиши ҳамда чакана саволиятининг жадал ривожланишига тақик қўйилган эди. Лекин турли сабабларга кўра, тadbиркорлик субъектларининг мазкур товарлари бир йил ўтишига қарамай сотилмай, омборларда туриб қолган. Бу эса, ўз-ўзидан уларнинг зарар қўриб ишлашига олиб келган.

Эндиликда фармон билан ана шу 13 турдаги истеъмол товарларини сотувга қўйиш ва реализация қилиш тақики бекор қилинди.

Айни пайтда республика миқдордаги тadbиркорлик субъектлари табақалаштирилмаган ҳолда, 270 000 сўм миқдорда ижтимоий солиқ тўлаб келаётган эди.

Қабул қилинган ҳужжатга



мувофиқ, 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар республика туманларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) фаолият юритувчи якка тартибдаги тadbиркорлик субъектларига белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси икки бараварга пасайтирилган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи, яъни 135 000 сўм миқдорда тўланиши белгиланади.

ОЧИҚ, ШАФФОФ ВА ХОЛИС НАЗОРАТ

Фарид НАЗИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги бўлим
бошлиғи:

— Фармонда тadbиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш тартибининг соддалаштирилиши билан боғлиқ бир қанча ўзгаришлар ўз ифодасини топган. Хусусан, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб вазирлик ва идора ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 16 турдаги назорат функциялари бекор қилинди.

Бундан ташқари, тadbиркорлик субъектларини текшириш бўйича давлат назорати функциялари рўйхати турли қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари билан белгиланган бўлса, эндиликда мазкур рўйхат қонун билан тасдиқланиши, бунда, тегишли қонун қабул қилингандан сўнг рўйхатга киритилмаган давлат назорати функцияларини амалга оширишга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Бу эса, ҳудудларда турли хил ҳуқуқни қўллаш амалиётининг чек қўйилишига ҳамда текширишларда ягона ёндашувнинг вужудга келишига олиб келади. Шунингдек, ваколатли органни хабардор этиш тартибиде ўтказиладиган текширувлар рўйхатига фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлиги, атроф-муҳитга зарар етказиш хавфининг олдини олиш учун кечтириб бўлмайдиган назорат тadbирларини ўтказиш билан боғлиқ текширувлар киритилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Қайд этиш кераки, 2022 йил 1 январдан назорат қилувчи органлар тadbиркорлик субъектлари фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланган саволнома бўйича текшириш ишларини олиб боради. Бу эса, ўз навбатида, назорат қилувчи органнинг тadbиркорлик субъектини фақат белгиланган доирада текширишига ҳамда назорат объекти бўлмаган соҳасига аралашшининг олдини олади.

Текширишларни рўйхатга олиш китобининг ҳисоби электрон тарзда юритилади. Тadbиркорлик субъектлари фаолиятида қонунбузилишларга йўл қўйилишининг олдини олиш бўйича профилактика тadbирлари белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, текширув ўтказишга йўл қўйилади. Бундан солиқ текширувлари, жиноят ишлари ва тезкор-қидирув фаолияти доирасида, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳақидаги муножабатлар ва маълумотлар асосида ўтказиладиган текширувлар мустасно ҳисобланади.



асослигини ҳолис баҳолаш имконини бермай келаётган эди.

Эндиликда фармон билан масъул вазирлик ва идораларга 2022 йил 1 апрелга қадар "Ягона давлат назорати" ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш вазифаси белгиланди. Ушбу тизим, ўз навбатида, тadbиркорлик соҳасида давлат назорати билан боғлиқ катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини берибгина қолмай, тadbиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг электрон реестрларини юритиш, текширувларни электрон рўйхатга олиш, тadbиркорлик субъектларини тегишли мажбурий талаблар бўйича онлайн ўқитиш ва назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текширишларнинг белгиланган тартибда ўтказилишини баҳолаш имконини беради.

Тadbиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш фаолияти билан боғлиқ бу каби энгилликлар келгусида, албатта, улар томонидан эркин ва давлат органларига суянган ҳолда фаолият юритилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тadbиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юқини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги фармонига биноан, 2022 йилдан тadbиркорлик субъектларига маъмурий босим даражасини аниқлаш ва энгиллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган Тadbиркорлик фаолияти эркинлиги индекси жорий этилади.

Мазкур ҳужжат билан тadbиркорлик фаолиятини юритишни энгиллаштириш ва бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди.

Марказий сайлов
комиссиясининг
навбатдаги мажлисида
Ўзбекистон Республикаси
Президентлигига
номзодларнинг
сайловолди ташвиқоти,
муҳим сиёсий жараёнда
халқаро ташкилотлар ва
хорижий давлатлардан
қатнашадиган кузатувчилар
ҳамда оммавий ахборот
воситалари вакиллари
аккредитациядан ўтказиш
масалалари кўриб чиқилди.

Мажлис тафсилотларига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида маълум қилинишича, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ташвиқот ишлари жорий йил 20 сентябрдан бошланади.

Сайлов кодексига бешта модда сайловолди ташвиқотига бағишланган. 44-моддада "Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир" деб белгилаб қўйилган. Демак, сайлов жараёнидаги ҳар қандай фаолиятни, шу жумладан, сайловга оид тарғибот тadbирларини, сайловчиларни овоз бериш кунини ва жойи ҳақида хабардор қилувчи ахборотларни сайловолди ташвиқоти, деб қараш мумкин эмас. Фақат сайловчиларни номзодни ёқлаб овоз беришга қорловчи тadbирлар сайловолди ташвиқоти саналади. Бу фаолият тизимли, изчил ва оммавий характерга эга бўлади.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ 20 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорига кўра, ЎзМТРҚнинг республика ва маҳаллий телерадиоканалларида, "Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока", "Халқ сўзи" ва "Народное слово", "Овози тоҳиқ", "Нурли жол" ҳамда маҳаллий газеталарда бепул ажратиладиган нашр майдони, эфир ҳажми ва вақти тасдиқланди.

— Оммавий ахборот воситалари сайловолди ташвиқоти даврида бепул ажратиладиган эфир вақти ва нашр майдони доирасида Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида чиқишлари учун зарур шарт-шaroитлар яратади, — деди Марказий сайлов комиссияси котиби Худойёр Маматов. — Янгиликлар дастурларида ва бошқа ахборот материалларида номзодларнинг сайловолди тadbирларини ёритишда тенглик принциппига риоя этиши лозим. Сайлов кодексининг 46-моддасига асосан, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларида сиёсий партиялар, Президентликка номзодларга ҳақ авазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, номзодларнинг кўрсатган сиёсий партиялар уларга тақдим этилган эфир вақтидан ва чоп этиш майдонидан эркин ва ўз ихтиёрига кўра фойдаланади. Сиёсий партиялар билан ўзаро келишилган ҳолда сайловолди ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари ва мазмун-моҳияти бирхиллаштирилиши мумкин.

Муайян бир номзодга тақдим этилган бепул эфир вақтидан ёки чоп этиш майдонидан бошқа

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

ТАЪЛИМДАГИ РАҚОБАТ

РИВОЖЛАНИШ САРИ ЙЎЛ ОЧАДИ



Жамшид ИНОЯТХОЖАЕВ,
Тошкент шаҳридаги
Турин политехника
университети ректори

Бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим тизими изчил ўзгаришлар рўй бераётган соҳалардан бири ҳисобланади. Юртимизда сўнгги йилларда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилгани, қабул квоталарининг йил сайин кўпайётганининг ўзиёқ фикримизга ёрқин мисолдир. Айниқса, чет элнинг нуфузли университет, институтлари филиалларининг очилаётгани юртимизда олий таълим даражасини оширишга хизмат қилапти.

Ҳозир Ўзбекистонда хорижий олий ўқув юр்தларининг 20 дан ортиқ филиали мавжуд. Улар орасида Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг ўзига хос ўрни бор. Бу таълим муассасасининг асосий вазифаси ўқув, илмий ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимизда машинасозлик ва автомобилсозлик саноатини ривожлантириш учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашдир.

Университет Италия билан ҳамкорликда очилган ва Европа таълим тизимини тўлиқ ўзида мукхассам этган. Биз муҳандисларни машинасозлик технологияси, автомобилсозлик муҳандислиги, саноат ахборот технологияси

ва ахборот бошқарув тизими, саноат-ҳўжалик қурилиши ва архитектура соҳалари бўйича ўқитамиз. Бутун ўқув жараёни Европанинг кредит кўчириш ва жамғариб бориш тизими бўйича инглиз тилида олиб борилади.

Университет ташкил этилганда асосий мақсад сифатида мамлакатимизда автомобилсозлик учун кадрлар тайёрлаш режалаштирилган эди. Ҳозирги вақтда битирувчиларнинг ишга жойлашиш соҳаси кенгайган. Биз тайёрлаган мутахассислар “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятининг кўплаб корхоналарида ишлаяпти.

Бундан ташқари, нефть ва газни қайта ишлаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган мутахассисларнинг асосий қисмини университетимиз битирувчилари ташкил қилади. Шунингдек, битирувчиларимизга қурилиш компаниялари ва хорижий

У туризмда кенг қўлланиши мумкин. Бундай машина сайёҳларни тарихий меъморий обидалар ўртасида таший олади. У GPS харита ва навигатор ёрдамида бошқарилади. 2018 йилда ушбу иш республика инновацион ғоялар танловида энг яхши лойиҳа деб тан олинди.

Сўнгги пайтларда дастурий маҳсулотлар сони ҳам ошди. Бу лойиҳалар асосан стартап кўринишида бўлгани учун дастлаб университетнинг махсус жамғармаси томонидан молиялаштирилади. Белгиланган рентабеллик даражасига етган, тижорат асосида молиялаштиришга ўтказилади.

Италиянинг Турин политехника университети QS жаҳон университетлари рейтингидан 334-ўринни эгаллайди. Қолаверса, Ўзбекистоннинг 10 та олий таълим муассасаси қаторида Тошкент шаҳридаги Турин



корхоналарда талаб катта. Университетимизни битирган кўплаб мутахассислар ихтисослаштирилган давлат ташкилотлари, вазирлик ва идораларда ишлайди. Таъкидлаш жоизки, битирувчиларнинг кўпи шу билан чекланиб қолмайди ва илм-фан билан шуғулланади.

Ҳозирги вақтда автомобилсозлик соҳасида робототехника ва меҳатроника соҳасидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, талабалар электромобиллар, электр автобуслар, шунингдек, ҳайдовчисиз транспорт воситалари намуналарини тайёрлашди. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, биз ҳайдовчисиз автомобилнинг лойиҳасини ишлаб чиқдик.

политехника университети ҳам Times Higher Education томонидан дунёнинг нуфузли олийгоҳлари қаторига кириш учун номзод сифатида эътироф этилди. Бу университетнинг дипломи дунёда тан олинади. Университетимизнинг ҳар бир битирувчиси ушбу дипломи олгани учун билимининг сифат даражаси анча юқори.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети битирувчиларига ҳам Ўзбекистон, ҳам Италия дипломлари топширилади. Бундай диплома эга бўлган ёшлар дунёнинг исталган йирик компанияларида ишлаш имкониятига эга бўлади.

Ўқитиш жараёни Италиядан келган профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилади ҳамда имтиҳонлар қатъий назорат қилинади. Таълим сифати ҳам ҳамкорларимиз томонидан белгиланади.

Олий таълим муассасамизда талаба алмашинув дастури бор. Малака танловидан сўнг талабалар Италияга ўқиш ва амалиёт ўташ учун юборилади. Талабалар учун “Мазерати”, “Фиат”, “Феррари” каби қатор йирик компанияларда амалиёт ўташ имконияти мавжуд.

Ҳозир талабаларимиз умумий контингентининг 4 фоизи чет элликлардан иборат. Улар Туркия, Россия, Италия, Қозғистон ва бошқа қўшни давлатлардан келган. Сўнгги пайтларда чет эллик талабалар сонини кўпайтириш учун кўпроқ тadbирлар ташкил қилияпмиз. Натига ёмон эмас, хорижий талабалар сони йилдан-йилга ортмоқда.

Профессорлар таркибини шакллантириш жараёни Италия томонидан ҳал қилинади. Ҳозир педагогларимизнинг 40 фоизи италиялик ва қолгани маҳаллий профессор-ўқитувчилар. Ишга қабул қилинган маҳаллий ўқитувчилар Италия томонидан аккредитацияланади. Улар ўз илмий даражасини нуфузли хорижий комиссия олдида исботлаши керак. Шундан кейингина улар билан 3 йилга шартнома тузилади. Италия томонидан тақдим этилган сертификат туфайли маҳаллий ўқитувчилар Европада дарс бериш имкониятига эга бўлди.

Муассасамизда илмий ишлар бўйича италиялик икки нафар проректор фаолият юритади. Келгусида Италия томони билан келишган ҳолда бошқа хорижий давлатлардан ҳам малакали мутахассисларни жалб қилишни режалаштирганмиз.

Ҳозирга қадар ўқув жараёнини италиялик ҳамкорларимиз билан келишган ҳолда олиб бордик. Энди Италиядаги мавжуд ўқув платформасини маҳаллийлаштиришга ўтамиз. Яъни ўқитиш, ўқитувчилардан онлайн ва офлайн маслаҳат олиш каби жараёнларни ўзимиз ташкил қиламиз ва бошқарамиз.

Университет битирувчиларининг бир йил давомида ишга жойлашиши жуда муҳим ва

рағбатлантирувчи фактдир. Ташкил этилгандан буён олий таълим муассасамизни 900 дан ортиқ талаба битирган. Статистика шуни кўрсатадики, рўйхатдан ўтган талабаларнинг атиги 60-70 фоизи ўқишни тугатади. Бу фактга асосланиб, университетимизда ўқиш нечоғли мураккаблигини баҳолаш мумкин.

Битирувчиларимиз учун асосий иш берувчилар халқаро компаниялардир. Яъни чет элликлар иштирокида ташкил этилган компания ва корхоналар университетимизда тайёрланган мутахассисларни ишга тақлиф қилади. Шунингдек, хорижий компаниялар ҳам биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирди. Яқинда Россиянинг РБС банки талабаларимиз билан янги лойиҳани бошлади. Унга кўра, банк тизимини тўлиқ автоматлаштириш бўйича ишлар талабаларимиз ва профессор-ўқитувчиларимиз томонидан бажарилади.

Университетимизнинг маркетинг бўлими мунтазам изланишда. Қайси соҳаларда мутахассисларга эҳтиёж ортиб бораётганини кўриб чиқяпмиз. Олинган маълумотларга асосланиб, дастурий инжиниринг, архитектура ва дизайн йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш билан шуғуллана бошладик. Бу — шахсий ташаббусимиз, Италия томони билан келишувлардан ташқарида. Бу ташаббусни амалга ошириш учун чет элдан кучли мутахассисларни жалб қилияпмиз.

Бундан ташқари, иқтидорли ёш ватандошларимизни, шунингдек, чет элда таҳсил олган йигит-қизларни ушбу соҳаларда ҳамкорликка тақлиф қиламиз.

Келгуси беш йилда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетини дунёнинг энг кучли 1000 та университети рўйхатига киришни режалаштирганмиз. Кейинги мақсадимиз профессор ва талабалар сонини кўпайтириш, университет имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилади. Илмий изланиш билан шуғулланиш истагидаги битирувчиларимиз учун магистратура ва докторантурага қабул квотасини ошириш ҳам режамизда бор.

БУГУННИНГ ЁШЛАРИ

“DREAM TEAM” — ЁШ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КАТТА МАКТАБ

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Навоий вилоятида Ўзбекистондаги илк қуёш фотоэлектр станцияси очилиши маросимида ёш тadbиркор Мерей Омонбоева ҳам сўз олиб, вилоят тadbиркор ёшлари амалга ошираётган ишлар ва режалар ҳақида гапирган эди. Мерей чорвачилик кластери раҳбари, шу билан бирга, оилавий боғча фаолиятини йўлга қўйган. Айни пайтда бизнес йўналишида навоийлик ёшларга тренерлик ҳам қилмоқда.

Мерей Омонбоева ташаббуси билан вилоят ёш тadbиркорлари бирлашиб, “Dream Team” жамоасини тузишди. Жамоанинг мақсади тadbиркорликка қизқувчи навоийлик ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб, янги тақлифлар беришдан иборат. Жамоада турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи ёш тadbиркорлар бirlашган. Улар биргаликда вилоят ривожига ўз ҳиссасини қўшувчи янги лойиҳалар устида ишлайди. Жамоа байрамларда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, имконияти чекланган юртдошларимиз учун доимий саховат ишларини ҳам амалга оширади.

Мерей Омонбоева,
жамоа сардори:

— Биз нафақат шаҳарда, балки барча туман ва қишлоқларда фаолият юритамиз. У ерда ҳам биз билмаган, танимаган лидерлар, ёш тadbиркорларни кашф этишимиз мумкин. Ниятимиз — сафимизни кенгайтириш орқали вилоятимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшиш. Жамоамизда ҳар бир соҳа бўйича ўзининг теран фикрларини билдириб, янги тақлифлар бера оладиган, ҳар бир ишни чуқур таҳлил қиладиган етакчи ёшлар йиғилган. Катта мақсадларни олдимизга қўйганимиз ва бунга эришиш йўлида астойдил ҳаракат қиламиз.



Ғолибжон Каримов,
жамоа аъзоси:

— Жамоа аъзоларидан “Сизларга бундай юришдан қандай фойда бор?” деб сўрашадим. Биз ўз фойдамизни ўйлаб ёшларга ёрдам қўлини қўзмадик. Ёш тadbиркорларга имкониятлар яратилиб берилмоқда ва биз бундан оқилона фойдаланиш учун ҳаракат қилияпмиз. Юртдошларимизга фойдамиз тегсин, деган мақсадда жамоани ташкил этдик. Уйлайманки, жамоамиз билан ҳали кўп лойиҳаларни амалга оширамиз.

Меҳроҳ Раҳматов,
жамоа аъзоси:

— Биз жамоамиз билан бир оиламиз. Ҳар бир бошлаган ишларимизни чуқур таҳлил қиламиз. Вилоятимизда ишмизни кузатувчилар кўп. Хато қилмасликка ҳаракат қиламиз, муаммоларга дуч келсак, устозлар билан маслаҳатлашиб, оқилона ечим топамиз. Вилоят ҳокими, йирик тadbиркорлар, иқтисодчи профессорлар билан доимий мулоқотда бўламиз. Вилоят ҳокими билан ҳоким сифатида эмас, кўп йиллик тажрибали устоз сифатида эмин-эркин мулоқотда бўла оламиз.

“Dream Team” — ёш тadbиркорлар учун катта мактаб. Жамоа аъзолари бир гуруҳда жам бўлгандан мамнун. Улар ўз олдига катта мақсадларни қўйган. Ҳозир фаолиятини Навоий вилоятида давом эттираётган жамоа аста-секин мамлакатимиз бўйлаб ўз сафини кенгайтирмоқчи. Зеро, ёш тadbиркорларга билдирилаётган ишонч ёшларга қанот бўлмоқда.



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Ақбар РАҲМОНОВ,
журналист

Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан мукофотланганлар қаторида Китоб туманидаги “Саломатлик академияси” хусусий клиникаси раҳбари Алишер Бобоев ҳам бор. У II даражали “Саломатлик” ордени билан тақдирланди.

Қувончли хабар Алишер акани таниган билган инсонлар, у ташкил этган клиникада шифо топган кишиларни беҳад мамнун этди. Бу мукофот йиллар давомида эл саломатлиги йўлида қилинган машаққатли ва шарафли меҳнатнинг муносиб эътирофи бўлди.

Қашқадарёнинг олис Китоб туманида очилган “Саломатлик академияси” хусусий клиникаси қисқа вақт давомида одамлар оғзига тушди, эл меҳри ва ишончини қозонди. Шубҳасиз, бунинг замирида клиника жамоасининг бир ёқадан бош чиқариб қилган заҳматли меҳнати ётибди. Бу фидойи жамоа клиника фаолиятида дунё стандартлари даражасидаги юқори тиббий технологияларга асосланган малакали тиббий хизматни пойтахтдан олисдаги вилоят ва туманда ҳам йўлга қўйиш, аҳолига нисбатан арзон, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда тиббий туризмни ривожлантириш сингари улўғ мақсадни қўзлаган эди. Жамоа бу вазифани шараф билан удаламоқда.

— Клиника бир кунда ўртача 450 дан ортиқ беморни қабул қилади, — дейди бош шифокор Ҳасим Саидов. — Ҳозирга қадар муассаса томонидан аҳолининг кам таъминланган, ҳимояга муҳтож, уруш фахрийлари ва ногиронлик бўйича нафақа оладиган тоифадаги бир қисмига 325 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги бепул тиббий хизматлар кўрсатилди. Бу ерда жами 107 нафар ҳодим ишлайди. Ўтган 2017-2021 йиллар давомида жами 1 262,7 минг

ИМКОНИЯТ ВА РАҒБАТ ЯНГИ МАҚСАДЛАР САРИ УНДАЙДИ



АҚШ доллари ҳамда 1 миллиард 370 миллион сўм қийматидаги замонавий тиббиёт ускуналари олиб келиб ўрнатилди ва ишга туширилди. Бу ерда барча имконият, шароит бор. Булар эса ишлашга ундайди, куч беради.

2018 йилда эндоурология йўналиши бўйича халқаро маҳорат дarsi ва 2019 йилда республикамизда биринчи марта ба халқаро миқёсдаги эндоурология форуми ташкил этилган. Форумда хориждан 100 дан зиёд, мамлакатимиздан 400 дан ортиқ мутахассис иштирок этди. Tadbir давомида телетиббиёт орқали чет эл мутахассислари томонидан замонавий усулда бажарилган 10 дан зиёд жаррохлик амалиёти онлайн равишда иштирокчиларга трансляция қилинди.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, клиникани ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар кўламини янада кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида 50 ўринга мўлжалланган

“DR BOBOEV HEALTH CENTER” бола-лар ва катталар эндоурология ва лапароскопия жаррохлик маркази ташкил этилди. Марказда энг замонавий услубда жиҳозланган 4 та жаррохлик амалиёти хонаси очилди.

— Бу каби муассасалар сони кўпайиши туфайли аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва самардорлиги янада ортиши шубҳасиз, — дейди Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Равшан Тўлаков. — Айни пайтда воҳамизда фаолият кўрсатаётган хусусий тиббиёт муассасалари сони 550 тадан ошди. Жорий йил охирига қадар 570 taga етиши кутилмоқда.

2021 йил давомида тизимда умумий қиймати 242 миллиард сўмлик 72 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, 22 та хусусий тиббиёт муассасаси ўз фаолиятини кенгайтириши кўзда тутилган, 451 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган.



ШУКУХ

Бугун мамлакатимизда туб ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бериб, янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бу ўзимизга хос ва мос иқтисодиётни, ижтимоий ҳаётни, миллий маънавият ва маффурани яратишни тақозо қилмоқда. Биз ор-номус, меҳр-оқибат, андиша, мурувват, шарм-хаё, ибо, орият каби тушунчалар билан улғайганмиз. Бу тушунчалар бошқа кўпгина миллат ва халқларда мавжуд эмас.

ШУУРНИНГ ЭВРИЛИШИ



Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институты профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори

Башариат гултожи

Кўп асрлик ўтмишимиз англаб турибдики, инсоният тарихига бетакдор алломошу фузалоларни, жаҳонни ҳайратга солган буюк даҳоларни етиштириб берган, башариат гултожи бўлган халқимиз. Машҳур мутафаккирларимиз ўзларининг илмий-ижодий кашфиётлари билан башариат тараққиётига, дунё тамаддунига пойдевор қўйган муътабар эслардир. Улар диний ёки дунёвий илмларни пухта эгаллаб, IX-XII асрларда биринчи, XIV-XVI асрларда иккинчи Ренессанс даврини вужудга келтирди. Буюк аждодларимиз қолдирган мерос неча асрлардан бунён инсониятнинг моддий ва маънавий тараққиёти учун хизмат қилмоқда.

XIX-XX асрларда халқимиз қанчадан-қанча қийинчиликларга дуч келмади, дейсиз. Қадриятларимиздан маҳрум қилиндик. Маънавий ҳаётимиздаги бу жароҳатларни ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди. Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, аждодларимизга муносиб авлодлар етишиши учун барча шароит яратилди. Ҳозир ҳорижий тилларни, жулмадан, араб тилини ўргатишга мўлжалланган кўплаб мактаблар очилмоқда. Қуръони каримнинг ҳақиқий илм манбаи эканини ўрганиш имкониятлари яратилмоқда.

Оққан дарё оқаверади

Бугун буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб, барча имкониятларимизни ишга солган ҳолда, асосий эътиборни илм ўрганишга қаратиш ва бир қанча ҳорижий тилларни билишга ҳаракат қилиш лозим. Зеро, булар инсон маънавиятини, иймон-эътиқодини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон аҳолиси, айниқса, ёшлар онги ва қалбига ватанпарварлик, миллий ва умумбашари қадриятларга ҳурмат туйғусини синдириш, уларда келажакка ишонч хиссини мастаҳкамлаш, замонавий билим ва касб-хусларни пухта эгаллаган авлодни тарбиялаш жоиз. Бу анча мураккаб масала, аммо истиқболли порлоқ келажатимизни барпо қиладиган билимли, зукко, мурд ва доворак ёшларимиз борлигини бугун ҳамма соҳада кўриб турибмиз.

Тарихий қадамлар

Сиёсий соҳада узоқ йиллар қарамликда яшадик. Кеча бизни ҳеч ким танимасди. Бугун Ўзбекистон мустақил мамлакат сифатида бутун жаҳонга танилди. Халқро майдондаги ташаббус ва савй-ҳаракатларимизни дунё ҳамжамияти тан олди.

Кечагина бирорта мамлакат билан мустақил равишда битим тузиш имкониятимиз йўқ эди. Энди эса давлатлар билан бевосита ишчи ёқлама таънафадторлик принципларида кўплаб шартномалар тузгилмиз. Бевоосита сиёсий ташриф қилиш имконияти ҳам чекланган эди. Ҳозир бу масалада муаммо йўқ. Мамлакатимиз бир қанча сиёсий тadbирларнинг ташаббускори сифатида майдонга чиқмоқда.

Юртимиз илгари агар иқтисодиётга асосланган давлат сифатида танилганди. Одамлар бир йилда бир марта даромад қиларди. Аста-секинлик билан иқтисодиётимиз жамоат мулкига асосланган шаклга эга бўлиб, агар-индустриал иқтисодиёт шаклига ўзгарди. Бу ҳолатда иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омилли эктенсив омил бўлиб, аксарият ҳолда қўл меҳнатига таянганлиги эди. Илм давомидида олинган даромади фақат ойлик маошдан иборат бўлган. Ойликдан бошқа даромад меҳнатсиз даромад, деб баҳоланарди.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётни ривожлантириш янги технологиялар асосида модернизация ва диверсификация ҳисобидан амалга оширилганди бўлди. Яъни иқтисодий ривожланишнинг интенсив йўли танланди.

ёхуа ўтмишдаги машаққатли кунларимиздан сабоқ чиқаришни ўрганайлик

Дунёнинг энг яхши давлатлари рўйхатида

Сўнгги йилларда жаҳон тажрибасидан, мамлакатимиз иқтисодиётининг дунё иқтисодиёти билан фаол интеграцияланаётганидан келиб чиқиб, уни инновацион ва рақамли иқтисодиётга айлантириш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланди. Энди одамлар рақамли иқтисодиётни жорий қилиб, ҳар дақиқада даромад қиладиган бўлди. Одамларнинг фикри-уйи даромад билан банд бўла бошлади. Худди шундай ҳаражатлар сарфи ҳам тезлашиб кетди.

Халқаро экспертлар эътирофича, бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2,2 фоизни ташкил қилади. Ўшбу кўрсаткич 2030 йилда интернетдан фойдаланиш имкониятларини ошириш натижасида 10 фоизга етиши кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда охириги беш йилда ижтимоий адолат ва тенглик масаласи бўйича мисли қўрилмаган ишлар амалга оширилди. Натижада жорий йилда Ўзбекистон биринчи марта "Дунёнинг энг яхши давлатлари" рўйхатида қиритилди. Кечагина ҳисобда йўқ давлат бугун дунёнинг энг яхши давлатлари рўйхатида қиритилишининг ўз ҳам қатта ютуқ.

Таъкидлаш лозимки, эътиборимизни фақат иқтисодий жиҳатдангина буюк бўлишга қаратаётганимиз йўқ. Маънавий, маърифий, маданий, интеллектуал жиҳатдан ҳам бой бўлишга интилянимиз.

Эркинлик ўзбошимчалик эмас

Эркинлики ўзбошимчалик деб тушундик. Эркинлик — бу қонунни тан олиш ва унга амал қилиш саналади. Ўзбекистоннинг тараққиёт моделида қонун устуворлиги бежиз асосий тамойил сифатида белгилаб қўйилган эмас. Қонун устуворлигини қонун диктатураси деб тушунмоқ лозим.

Биз ҳар қандай вазиятда қўзланган мақсадга эриша оламиз. Чунки тарихимизда бундай муваффақиятларни қўлга киритиб келган халқимиз. Ўз тарихида не-не буюк ишларни шараф билан амалга оширган халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, куч-қудрати ва олижаноб фазилатларига таяниб, ўз олдимизга қўйган улуг ва эзгу мақсадларимизга, албатта, эришамиз.

Бахт индекси

Мустақилликкача ва истиқлолнинг илк йилларида мамлакатимиз бахт индекси деган кўрсаткич бўйича БМТнинг мезонига умуман тўғри келмас эди. Бугун БМТ кўмагида Колумбия университети Ижтимоий тадқиқотлар маркази томонидан аниқланган "Жаҳон бахт индекси"да Ўзбекистон 140 мамлакат орасида 51-ўринни эгаллаб турибди. Мана, одамларни давлатдан рози қилиш, уларнинг бахтли яшашини таъминлаш борасида



1965 йилда Самарқанд шахрида мавжуд енгил автомобилларнинг рўйхатта олинишида иштирок этганман. Самарқанд шахрида ўша йил атиги 552 та автомобиль бор эди. Битта автомобиль олиш учун йиллаб навбат кутиларди. Ҳозир Самарқанд шахрининг ўзида йилгига 2 мингдан зиёд автомобиль харид қилинмоқда.

қилинаётган савй-ҳаракатлар, ислохотларимиз натижаси.

Автомобил ишлаб чиқариш бўйича дунёда эгалланган ўрнимиз ҳам таҳсинга сазовор. Мустақилликка қадар мамлакатимизда автомобилларнинг бирорта деталли ишлаб чиқарилмаган ва мос равишда автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар рўйхатда умуман бўлмаган. Ҳозирги кунда автомобиллар ишлаб чиқарувчи мамлакатлар сони 52 та бўлиб, Ўзбекистон улар ичида 27-погонани банд этган.

1965 йилда Самарқанд шахрида мавжуд енгил автомобилларнинг рўйхатта олинишида иштирок этганман. Самарқанд шахрида ўша йил атиги 552 та автомобиль бор эди. Битта автомобиль олиш учун йиллаб навбат кутиларди. Ҳозир Самарқанд шахрининг ўзида йилгига 2 мингдан зиёд автомобиль харид қилинмоқда.

Олтин қазиб олиш (ишлаб чиқариш) бўйича дунё мамлакатлари уртасида Ўзбекистон 7-ўринда турибди. Туризм соҳасидаги ютуқларимиз ҳам бекиёс. Америкада нашр қилинадиган "Hagper's Bazaar" журналли дунё микёсида туризм соҳаси бўйича 20 та топ мамлакат рўйхатини эълон қилди. Унда Ўзбекистон ҳам бор. Дунё мўъжизалари рўйхатида Самарқанд шахридаги Регистон мажмуасини қиритиш тавсия қилинди. Шунингдек, мазкур халқаро журнал Бухоро, Хива ва Фарғона водийсининг туризм салоҳиятига тўғрелиб, Ўзбекистонни 2020 йилда албатта, бориб кўрадиган мамлакатлар рўйхатида қиритганди.

Маълумотларга кўра, 2020 йил пандемиянинг туризмга таъсирига қарамай, мамлакатимизда 1,5 миллион сайёҳ ташриф буюрган ва уларга турфирмалар томонидан 260,0 миллион долларлик хизмат кўрсатилган. 2021 йилда зиёрат туризмга алоҳида аҳамият берилиб, сайёҳлар сони 1,7 миллионга ва уларга кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 370,0 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Мазкур соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши ҳозирги пайтда 2,5 фоизни ташкил қилмоқда. Агар туризм шу даражада ривожланса, 2030 йилга бориб, соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши 5-7 фоизни ташкил қилиши прогност қилинмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ўзининг иқтисодий, ижтимоий, интеллектуал салоҳиятини ишга солиб, жадал ривожланиш босқичига кирган Ўзбекистон янги йилларда тараққий этган мамлакатлар қаторидан жой олишига ишончимиз қомил.



МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Бир ёқимли сабо эсмоқда...



Дилором ЙЎЛДОШЕВА
Бухоро давлат
университети профессори

Миллий истиқлолга эришганимиздан бунён ўзбек зиёлиларининг олдида иккита ҳал этилиши кечиктириб бўлмайдиган вазифа турибди. Биринчиси, парчаланган етмиш йиллик истибод занжирлари етказган маънавий зарарни қоплаш, яъни ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳдаларидаги ҳар бир нуқтани миллий маданият, миллий ўзлик, миллий қадриятларимиз нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва шўро даври гораат қилган ҳар бир воқеликни миллий ўзанларга қайтариш.

Иккинчиси, бугунги кунда давримизнинг тараққиёт даражаси нихоятда тезлашгани, интеллектуал салоҳият, тиниқ тафаккур дунёда яшаб қолишнинг асосий шартига айланиши, интернет имкониятларининг мисли қўрилмаган даражада юксалиши, миллий маънавиятини асраб қолиш нозиклашаётганини инобатга олиб, таълим тизимини ижтимоий ҳаёт билан уйғунлаштириш.

Айнан, шу икки жиҳат зиммамизга залворли вазифалар юклатганини ҳеч кимга шир эмас. Шундай шароитда бу чек зиммасига тушганлар миллати, тили, дини, қадриятлари, урф-одатлари, ўзига хос турмуш тарзини узгилча сақлашга бел боғлаганлар ҳамда шахсий манфаатини ҳар недан устун тутувчилар, том маънода, манкуртлашганлар тоифасига ажралиб қолмоқда. Хўш, "манкуртлашганлар" кимлар ўзи?

2019 йилнинг баҳоридида бир этак "эл меҳрибонлари" юртимизда "рус тилига ҳам давлат тили мақомини бериш ташаббуси" билан чиқди. Эмишли, Россияга ишлагга бораётганлар ўрис тилини билишлари учун бу тил юртимизда давлат тили мақомини олиши керак экан. Мантинкин мантинксизлигини қаранг! Бу бир бе-маврид ва атай бошланган ташаббус эди-да.

Аслида, эркинлик ҳаво бўлса, она тили миллат деб аталмиш таннинг руҳи, шу миллатнинг манзил-мақони — Ватан. Шундандир балки сўзга сиймайдиган, дунёдан-да қаттароқ воқелиқлар бор: истиқлол, Ватан, она тили, она, мактаб, иймон...

Асл инсонларнинг жон томирларидаги ўрнашган ватани, она тилим, онам, мактабим, иймоним тушунчаларининг ҳар бири *миллий истиқлол* билангина гуркирайди, миллий истиқлол ўзанидан сув ичади. Бугун она тилимизга бўлган белгисизлик эркимизга отилган тошдир; мактабга, таълимга, устозга бепарволик эркимизга берилган зарбадир; ватанга, иймонга қалқон бўлмаслик шаъффурушқидир.

Ҳа, фақат орамизда жўломонларни (Ч.Айтматов) пайдо қилишга урулдилар. Аччиқ ҳақиқат шуки, энди жўломонхусларни тўзатиб бўлмайди. Энди Найман онанинг ҳолига тушмаслигимиз учун уларга қарши курашишимиз шарт.

Эътибор берсак, жамиятимизда ноҳуш ҳолатларни бир этаккина жўломонлар келтириб чиқаради. Иймон бут, зуваласи ўзбекона қорилганларнинг лабларидан ўзбекатгина хос сўзлар отилади:

"Ичиндан чамқок қақиб, гўлдираб отиладиган овозинг эмасми тилинг?! Ўз овозингни ўзинг бўғмоқчисиан? Дарвоқе, овозинг бормиди ўзи? Яратган Инсонни овозидан таниб олади..." Шунинг учун ҳам Яратганга илтижо қиламиз. Барака топгур, қўй, ўзингни ўзинг бўғмагин. Шунча бўйилганимиз етмайдими?

Навоийни-ку ўқимайсан, чунки тушунмайсан. Бериқроқ келсак, Тоғай Муродни, Мурод Мўхаммад Дўстни, Эркин Аъзамни ҳам ўқимайсан, чунки тилимиз оташидан завқланиш туйғусидан бенасибсан, бечорагина. Чунки сен уларни ҳам тушунмайсан. Ишон, улар ўзбек тилида ёзишди... Ўзимни қаерга қўйишни билмаяпман; уят-ёй, ўзбек ўзбекка ўз тилингни ерга урма, деб зор қақшаса. Яхшиси, кўзимга кўринма, бир бало қилиб қўяман". (Кўчкор Норқобил)

Алҳусус, нафақат она тилимизни асраш борасида, балки юртимизнинг бутун борлигини ўзлигича сақлаш учун, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимизни йўқотмаслик учун ҳам, аввало, жўломонхусларга қарши тура олишимиз шарт.

Жамиятда яна бир тоифа бор: бепарволар. Уларга барибир. Улардан қўрқиш керак аслида. Жўломонлардан ҳам баттарроқ, аслида улар.

Бунақаларнинг жамиятда урчишига яна бир асосий сабаб бор. Шўро даври тасарруфидида бошқа халқлар, миллатлар қаторида она тилимизнинг таълимига мактабда, техникуму олий ўқув юртиларида расмий фатво берган эди. Ҳатто биз бундан нихоятда мансун эдик...

Аммо юрт, халқ эркинлиги қўлимизга теккан, чўқурроқ англаб етдикки, нутқ миллий тилининг, тил миллий тафаккурнинг, тафаккур эса миллий ўзлик, ижтимоий турмушнинг инъикоси, юзага чиқиши, моддийлашуви экан. Демак, ўзбекона турмуш тарзимиз, урф-одатларимиз, анъанаю ирим-сирилларимизга, онгимиз остидаги "мен"лигимизга барча-барчаси тафаккур тегириғониди қайта ишланиб тилда, нутқий алоқа-аралашувида буй кўрсатар экан. Бунинг аксиома даражасида билган ўша даврнинг "ҳукмрон мафкура"си она тили таълимнинг миллий ўзанларини ёпиб янги — охири "вой"ларни келтириб чиқарувчи каналларга солиб юборган экан.

Бу шўро даврининг "Фан янгиликлари — мактаб-га!" шiori остида амалга оширилганини биламиз. Мазкур шiorнинг таъбиқини муттасил таъминлаш оқибатида иш шу даражада етдикки, XX аср 80-йилларига келиб мактаб она тили дарсликларининг мавзулари олий таълимдаги тилдан мутахассислик фанлари мавзулари билан даяри тенглашди.

Мактаб ўқувчисининг келажак ҳаёти учун зарур бўлмаган қондалар сонининг ошиб бориши улкан муаммоларни юзага келтирди. Том маънода, она тили дарслари ўқувчига ўзбек тилининг жозибасини ҳис қилиши ҳамда унинг чексиз имкониятларидан фойдаланишни ўргатиш йўлидан оғиди ва она тилини ўргатиш, ўрганиш машғулотлари узун, қуруқ қондаларни синдиришдек "манкуртлик ўзани"га солиб қўйилди.

Она тили таълимида биз мана шу "манкуртлик ўзани"дан жулда секинлик билан чиқяпмиз. Нега бу ҳолат аввалроқ сезилмади? Нега бунини шу кеча-кундузда аниқ ва яқол билиб турибмиз? Бунинг сабаби, табиийки, ҳукмрон мафкура билан боғлиқ. Кечагача бизнинг овозимиз ичимиздан ташимизга чиқиши дўшвор эди. Биз учун гапирадиганлар, бизнинг тақдиримизни ҳал этиб қўядиганлар бор эди.

Бир ҳақиқат кундай аён. Агар мактабларимизда ўқитилаётган она тили машғулотлари бошларимизга ўзбек (она) тилидан ўринли ва унумли фойдаланиш маданиятини, шу тилда ўқилиш, тушуниш ва ёзиш завокни бермас экан, яъни ўз миллий ўзанига тушмас экан, миллий маънавият, миллий маданият, миллий ўзлик тушунчалари сийқаси чиққан бирималарга айланиб бораверадди.

Ваҳоланки, она тили машғулотлари тафаккур дарсларига айланиб бориши зарур. Сабаби, миллий ўзлик, миллий онг ва миллий қадриятлар ҳар бир ўқувчи, талабанинг тафаккурига бекиёс озукка берувчи, битмас-туганмас манбадир. Демак, тафаккур ривожланса, тил ривож топади, нутқ равлонлигига ва мангигага эришилади.

Зеро, она тилимизни асраш иши унинг таълими билан узвий боғлиқ.

Муаммолар бисёр, билъакс, муаммоларни ижобий ҳал этиш учун юртимизда кенг қамровли имкониятлар ҳам мавжуд. Беҳисоб шукрлар бўлсинки, бугун янги Ўзбекистонда нафақат таълим, балки ижтимоий турмушимизнинг ҳар бир жаҳасидаги муаммоларни бар-тараф этиш, ўша соҳани ривожлантириш, юксалтириш учун улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Утган ўттиз йиллик мурдатда юртимизда мисли қўрилмаган ислохотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Мен бунинг ўзининг, атрофимдагиларнинг, дусту биродарларимнинг турмуш тарзи мислида чўқурроқ ҳис этаман.

Дарҳақиқат, бугун янги Ўзбекистонда мисли қўрилмаган ислохотлар амалга оширилмоқдаки, буларнинг барчаси олдинги тузум қолдирган тугунларни ечишга, тараққиётимиз гилдирагига тикланган тўхтаттиқларни олиб ташлашга хизмат қилмоқда.

Боболарим кутган, отам интиқ бўлган улуг истиқлол менинг, фарзанду невараларимнинг насибаси экан, бугун уни кўз қорачигимдек асрашга, ўқрайган кўзлардан, бевақт эсган шамоллардан ҳимоя қилишга қарздорман...

Бир ёқимли сабо эсмоқда. Ундан жисми жоним роҳатланмоқда. Бу она юртимнинг кутлуг мустақиллиги шабадасидир...